Ушбу сонда:
2 РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ХОРАЗМДАГИ «ДОНИШМАНДЛАР УЙИ»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI – FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 28 октябр, жума № 175 (2016)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



## «ЁШЛИК» ЯНАДА ЯШАРМОҚДА

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий етук, жисмонан баркамол авлодни тарбиялаб voяга етказиш, йигит-қизлар онгу шуурига миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур сингдириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Келажак эгаларига замон талаблари асосида таълим бериш, ёшларнинг ўқиши, изланиши, ўз истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиш доимий эътиборда.***



Навқирон авлодни билимли, маърифатли, соғлом тафаккурли этиб камолга етказишда эса таълимнинг ўрни беқиёс. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида юзлаб мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этиляпти. Олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Янги барпо этилаётган ва таъмирланаётган ўқув муассасаларининг барчаси замонавий жиҳозлар билан таъминланаётир. Ўқитувчилар малака ва маҳоратини ошириш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бундай қулайликлардан унумли фойдаланаётган ёшларимизнинг илм-фаннинг турли йўналишлари, ишлаб чиқариш, спорт, санъат ва бошқа жабҳаларда эришаётган ютуқлари тобора кўпаймоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи илм-фан марказларидан саналган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабалари орасида ҳам билими, интилиши, ташаббускорлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан тенгдошларига ибрат бўлаётган ана шундай ёшлар кўп. Айни кунларда мазкур университетлар ва бошқа кўплаб илм-фан муассасалари жойлашган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Булар ҳам ёшларимизнинг порлоқ келажагини ўйлаб қилинаётган ғамхўрликлардир.

- «Ёшлик»даги талабалар уйлари, профилакторий ва бошқа биноларнинг барпо этилганига қарийб ярим асрга яқин вақт ўтгани сабабли уларнинг аксарияти таъмирталаб бўлиб қолган эди,- деди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими ўринбосари Самиғжон Ҳикматов ЎзА мухбирига.- Ҳозир уларнинг барчаси миллий ва замонавий меъморчилик талаблари асосида тубдан таъмирланяпти.

Мазкур ҳудудда йигирма учта олий ўқув юрти, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, малака ошириш институти ва бошқа таълим, илм-фан марказлари жойлашган. Қирқ битта ётоқхонада тўққиз минг нафарга яқин талаба истиқомат қилади.

Қурувчи ва лойиҳачилар барча ижтимоий иншоотлар, айниқса талабалар уйларининг ташқи ва ички кўриниши, дизайни ва жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратаётир. Ётоқхоналарда ўқиш ва яшаш учун барча қулайликлар яратиляпти. Талаба дарсдан бўш вақтидан унумли фойдаланиши ва спорт билан шуғулланиши учун янада кенгроқ имкон яратиш мақсадида ётоқ биносида компьютер ва интернет хоналари, кутубхона, ошхона, тренажёр, теннис, кураш ва бошқа йўналишлар бўйича спорт заллари ташкил этилмоқда.

Аввалги талабалар уйларида ошхона бинонинг ўртасида жойлашгани боис, муайян муаммолар туғдирарди. Қайта таъмирлашда ошхоналар бинонинг чекка қисмига чиқарилиб, ётоқхоналарнинг санитария-гигиена талабларига тўла жавоб беришига эришиляпти. Бу ерда замонавий газ плиталари, кир ювиш ва қуритиш машиналари, кийим дазмоллаш ва ювиниш хоналари жиҳозлари талабалар ихтиёрида бўлади.

Талабалар уйларини жиҳозлаш мақсадида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида махсус танлов эълон қилинган. Ҳозир ўндан зиёд ана шундай жиҳозлардан намуна олиб келинди. Диван, стол, стул, шкаф, дераза пардаси, гилам, қандил ва бошқа воситалар мутахассислар таклиф ва тавсиялари асосида танлаб олинади. Ёруғ ва шинам хоналарга шовқин ўтказмайдиган ромлар ўрнатиляпти. Улар ҳар қандай иқлим шароитида хона ҳароратини бир меъёрда сақлаб тура олади.

Реконструкция жараёнида шаҳарча янада чирой очади. Қуриган, пала-партиш экилган айрим дарахтлар ўрнига манзарали кўчат ва гуллар экиляпти. Игна баргли арча дарахтлари, гуллар ва гиёҳлар атроф-муҳит кўркига кўрк қўшиб, ҳаво мусаффолигини ҳам таъминлайди.

- Биз қарийб уч ойдан буён Тошкент давлат техника университетининг 57-талабалар уйини таъмирлаяпмиз,- дейди «Газтаъмир» махсус қурилиш ташкилоти директори З.Бобохонов.- Ҳозир пардозлаш ишларини олиб боряпмиз. Бинонинг барча қувурлари янгиланиб, қулай иситиш қурилмалари ўрнатилди.

Мазкур университетнинг 71-талабалар уйида иш олиб бораётган пойтахтимиздаги 12-қурилиш ташкилоти қурувчиларининг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Икки юздан кўпроқ ўринга эга бу бинода асосан қизлар истиқомат қилиши мўлжалланяпти. Шу боис таъмирлаш жараёнида улар учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шаҳарчадаги стадион, спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол ва баскетбол майдончалари қайта таъмирланиши билан бирга иккита гимнастика зали, иккита ёпиқ сузиш ҳавзаси ва тўрт минг кишига мўлжалланган янги стадион ҳам барпо этилмоқда. Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицей ўқувчилари учун тўрт юз ўринга мўлжалланган замонавий янги бино қуриляпти.

Бундай қулайликлардан мамнун талаба-ёшлар амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан четда туришгани йўқ. Улар дарсдан бўш вақтда қурувчиларга яқиндан кўмак бераётирлар. «Ёшлик» шаҳарчаси ҳадемай мутлақо янги қиёфага эга бўлади, яъни ҳақиқий шаҳарчага айланади.

**(ЎзА)**

## ЮҚОРИ ДАРОМАД ОМИЛИ

***Мирзачўл туманидаги Ўткир Абдурахмонов бошлиқ «Умрзоқ» фермер хўжалиги бу йил 57 гектар пахтазордан 57 миллион сўм даромад қилди.***

Фермер хўжалиги давлатга 190 тонна пахта сотди. Шартнома биринчи теримдаёқ уддаланиб, ҳосилнинг ҳаммаси юқори навга топширилди. Даромаднинг омили шунда.

- Даромадимизнинг 25 миллионини соф фойда ташкил қилади, -дейди фермер хўжалиги раҳбари Ў.Абдураҳмонов. - Янги техника олмоқчимиз. Даланинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур. Келгуси йил учун ғаллани экиб бўлдик. Пахта экиладиган ерни ҳам шудгорлаб қўйдик. Энди еримиз кўкламгача бемалол дам олади.

«Пахтазор» агрохизмат марказида йилни катта даромад билан якунлаётган фермерлар кўп. Ҳудуддаги 71 фермер хўжалигининг деярли барчаси бу йил пахтадан ҳам, ғалладан ҳам мўл ҳосил олди. Масалан, «Бахмал» фермер хўжалиги ўтган йили 17 миллион сўм соф фойда олган бўлса, бу йил 46 миллион сўм соф фойда билан чиқди. Муртазо Мавлонов бошлиқ «Мардон», Эркин Деҳқонов бошлиқ «Омонқул», Зоир Содиқов бошлиқ «Маҳмуд ота» фермер хўжаликлари туманда илғорлар қаторида бораётган жамоалардан ҳисобланади. Йилни яхши якунлаган фермерлар келгуси йил ҳосили учун ҳам ҳозирликни бошлаб юборди.

## АНДИЖОН ВА АНДИЖОНЛИКЛАР

***Кам таъминланган 4065 та оилага 2,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит. Шу ҳисобга 9,5 мингта янги иш ўрни. Ғалла ҳосилдорлиги ошиши эвазига ун ва ўсимлик ёғи баҳоси бозорларда пасаймоқда. «Отойўл» автобусида атиги 50 сўмга бутун шаҳарни саёҳат қилиш мумкин.***

Маҳаллий тадбиркорлар Муллажон Солиев асли Ойимқишлоғидан. Андижон шаҳридаги «Янги деҳқон бозори»ни айланаркан ўзини-ўзи койиди. Тўй тадориги билан боғлиқ савдо-сотиқ қилгани нега олдинроқ ушбу бозорга тушмаганига ачинди.

Расталарни кўздан кечираркан, пештахталарда жондан бошқа ҳамма нарса кўз-кўз бўлиб турарди. Қандолат маҳсулотлари, анору олмалар, қарсиллаган бодринглар, оғизда эрийдиган нашватилар, тандирдан ҳозиргина узилган седанали патирлар, думбагўштлар юртнинг маъмурчилигидан нишона.

Муллажон, айниқса ун растасидаги нарху наводан кўнгли тўлди. Қоплардаги уннинг баҳоси 10 минг сўм атрофида. Ҳолбуки, илгари Муллажон шу бозордан 12 минг сўмдан ун харид қилганди. Ўсимлик ёғи растасида ҳам арзончилик. Оқ ёғ қуйилган сиғимларга 900-1000 сўм рақамлари ёзилган нархномалар ёпишти-

### *Қурултойдан-қурултойгача*

рилган эди. Бозордаги тўкинчилик, арзончилик мулкчиликнинг янги шакли – оилавий пудратнинг шарофати эканлигини Муллажон яхши тушунди. Ҳамқишлоқлари қатори ижарадаги 3 гектар ерда деҳқончилик қилади. Хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Жорий йилда дарахтлар остига экилган буғдойдан хонадонига 2 тонна ғалла кирим бўлди. Шартномадан ошган 8 тонна сархил мева ўзига қолди. Тўй дастурхони тўкин бўлиши тайин. Чунки «қирмизи дон» олмани ҳозирги бозор баҳосида сўмга чаққанда бир миллион атрофида оилага даромад келтиради. Асосийси 3 киши оилада иш билан банд. Қолаверса, қўйнидан тўкилса қўнжига, деганларидек ун, мева-сабзавот ўзидан чиқяпти. Муллажон келин-куёв сарполари қаторида маҳаллага ош тортиш учун арзон баҳода ўсимлик ёғи харид қилганидан мамнун бўлиб, бозорни тарк этди.

Кўрганингиздек, хусусий секторнинг меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшиланишида аҳамияти ортиб бормоқда. Вилоят ҳокимлигининг қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили – фермер ва деҳқон хўжалиги, оилавий пудратчиларни рағбатлантиришга кенг йўл очаётганлиги боиси шундан. Аҳолини иш ва даромад билан таъминлаш, одамларимизни бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаёт кечириши учун шароит туғдириб бериш вазифаси ҳокимликнинг амалий фаолиятига айланган.

Жорий йилда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 28 та хўжалик негизида 585 та фермерлик жамоалари ташкил топди. Йил охиригача яна 87 ночор ширкатлар барҳам топиб, улар ўрнини қишлоқ мулкдорлари эгаллайди. Кейинги йилларда вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда хусусий сектор улуши 16,1 фоиздан 25,7 фоизга кўпайганлигини таъкидлаш жоиз.

Касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятни эркинлаштириш, янгилаш борасидаги кенг қамровли фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда бутун куч-ғайратини ишловчиларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга сафарбар этмоқда.

Бунга вилоят касабачиларининг қурултойдан-қурултойгача бўлган давр мобайнида амалга оширилган ишлари мисол бўла олади. Меҳнат муносабатларининг кўзгуси бўлмиш жамоа шартномалари ҳамда тармоқ келишувлари жамиятни, иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда аҳамияти айниқса ортиб бормоқда. Чунки бу ҳужжат иш берувчилар билан ёлланма ходимларнинг бурч ва масъулиятларини белгилаб беради. Бошқача айтганда, ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, соғломлаштириш, ойлик маошларни узлуксиз тўланишига, тадбиркорликни рағбатлантириш, меҳнат қонунчилигининг дахлсизлиги, ишсизликка барҳам бериш каби долзарб ижтимоий ҳимоя тадбирлари жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади. 2000 йили вилоятда 3286 та жамоа шартномаси ҳаракатда бўлган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 5037 тага кўпайган. Ёки ҳар бир ходимнинг ижтимоий ҳимоясига 2000 йилда ўртача 6315 сўмдан маблағ сарфланган бўлса, 2004 йилда 40 минг сўмдан харажат қилинган. Ишловчиларга бепул тушлик, дори-дармонлар, уларнинг фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш, хизмат жойига бориб келиш учун транспорт ажратиш, тунги сменадагиларга устама ҳақ тўлаш каби имтиёзлар шулар жумласидандир.

*(Давоми 2-бетда)*

## ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ «ОЛТИН»ЛАРИ

Россиянинг Сочи шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда 20 мамлакат спортчилари ғолиблик учун куч синашди. Мусобақада Фахриддин Умаров бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари - 13 нафар ҳамюртимиздан ўн киши шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасида Инна Квон, Феруза Кенжаева, Алефтина Ким олтин медалга сазовор бўлди. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Бахтиёр Исроилов, Равшан Комилжонов, Элдор Қаршиев, Алексей Курмакаев, Дмитрий Пак, Отабек Мирфайзиев ва Фахриддинхўжа Болтахўжаевга тенг келадигани топилмади.

### *Ўзбекистон – умумий уйимиз*

***Геологлар Устюрт ҳудудлари ва Орол денгизининг сувдан бўшаган тубидан катта миқдорда оҳак, туз, гипс, нефт ва газ захираларини топдилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари бўйича Оролбўйи минтақасида 1,5 триллион куб.метр нефт ва газ ресурслари бор.***

## УСТЮРТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг чексиз саҳронинг Урга, Бердақ, Оқшулоқ, Қизилқайир, Қорашулоқ манбаларида ер ости бойликларини кенг кўламда ўзлаштиришга киришилди. Бир томони Қозоғистон ва Туркманистон сарҳадлари, иккинчи ёни Қизилқум чўли ва Қоратов адирларига туташиб кетган дала-ю даштларда баҳорнинг сел тошқинлари, ёз жазирамаси ва қиш қаҳратонига бардош бериб лойиҳа-қидирув ишларини олиб бораётган геологларни учратасиз. Замин бағридаги бойликларни пармалаб, саноатчиларга етказиб бераётган фидойилар жасоратига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл» компаниялари билан Оролбўйи фойдали қазилмаларини ўзлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаси ишлаб чиқилди. Белгиланган дастурга кўра, Қорақалпоғистон ҳудудидаги оҳактош, туз, мармар, гипс, нефт ва газ захираларидан самарали фойдаланиш, ер ости табиий ресурсларини қидириб топиш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилдиришга қаратилган улкан яратувчилик ишлари қизғин олиб борилаяпти.

Бундан бир йил муқаддам фойдаланишга топширилган газ конденсатини қайта ишловчи қўшма корхона бир кеча-кундузда 200 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, кейинроқ бу рақамни 500 тоннага етказишни режалаштирган.

Ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, озарбайжон халқлари вакиллари бир оила фарзандларидек якдил меҳнат қилаётган корхона республикани бензин ва дизел ёқилғисига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшмоқда. Озарбайжон ва Россия давлатларидан келтирилган мураккаб ускуналар тўла қувват билан ишлатилмоқда.

Ер остидаги бойликлар беҳисоб эмас. Вақт ўтиши билан табиий ресурслар камаяди. Шунинг учун ҳам корхонамизга юборилаётган хомашёни исроф бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Жамоада ишлаётган ҳар бир кишига аниқ топшириқлар берилган. Уларнинг кўпчилиги хорижий давлатларда ўз соҳалари бўйича малака оширган мутахассислар. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилади. Ошхонада сифатли таомлар тайёрланади. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинади.

Кўп миллатли жамоада дўстлик ва биродарлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топган. Мақсад корхонанинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаб, давлат стандарти талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Конденцатдан олинган бензин Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти корхоналарига жўнатилмоқда. Ҳозирча транспорт бошқарувчилари маҳсулот сифатидан нолиганлари йўқ.

- Қурилма бошлиғи Жалғас Абдуллаев, техник Рофиқ Фарзуллиев, механик Шуҳрат Тайбовлар ўз постларида ҳамиша ҳушёр. Тайёрланган маҳсулот сифатли лаборатория кўригидан ўтказилгандан сўнг истеъмолчиларга жўнатилади. Корхона юқори иқтисодий қувватга эришиб, мамлакат бюджетини бойитишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва озарбайжон халқларини боғлаб турадиган қардошлик туйғулари жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг қалбида Жайҳун каби жўш уради. Кўнгил уйғунлиги, тил, дин, тарихий анъаналар ва қондошлик ришталари уларни бир-бирига жипслаштирган.

**Ж.ҚАЛИЛАЕВ,**
**катта уста**

### *Адолат тамойиллари*

***Мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келиши ўзаро муносабатларнинг ҳам тубдан ўзгаришига олиб келди. Бундай ўзгаришлар ўзаро муносабатларда шартномага асосланишни, унда меҳнатга ҳақ тўлаш, манфаатдорликнинг бошқа турлари каби масалаларни аниқ белгилаб, қонуний расмийлаштиришни тақозо этмоқда. Масалан, акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши ҳам ҳар кимнинг ўз фаолиятига янгича ёндошувини келтириб чиқарди. Чунки бунда биз учун мутлақо янги бўлган мулкий улуш, пай, фойда улуши (дивиденд) каби кўплаб тушунчалар борки, уларнинг маъносини тўлиқ англагандагина кўзланган самарага эришиш мумкин.***

Илгари корхона ишчисига меҳнатига белгиланган ҳақ тўланар, натижага кўра мукофот берилар эди. Эндиликда мустақил республикамизнинг қонунларига биноан ҳар бир киши корхонанинг мулкдори бўлиши, унинг фаолиятига таъсир ўтказиши, меҳнатига тўланадиган ҳақдан ташқари фойдадан тегишлича улуш олиши мумкин. Ҳиссадорлик асосидаги фаолиятнинг барча тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида, «Фуқаролик кодекси»да ва бошқа қонунларда, тегишли Низомларда қатъий белгилаб қўйилган. Қонунга таяниб ўз-ўзини бошқарувни тўғри йўлга қўйган меҳнат жамоалари ривожланишга эришмоқда.

Ҳар қандай янгиликни жорий қилиш жараёнида қийинчиликлар, тушунмовчиликлар бўлиши табиий ҳол. Раҳбарларнинг ҳам, ҳар бир ходимнинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан билимдонлиги бундай муаммоларни енгиб ўтишни осонлаштиради. Очиғини айтганда, ҳали айрим раҳбарлар ҳатто акциядорликка асосланган корхонани буйруқбозлик билан бошқариш истагидан қутулишмаган. Ходимлар эса қонуний ҳуқуқларини ўз вақтида талаб қилишни, рўёбга чиқаришни ўрганишмаган. Натижада баҳсли ҳолатлар вужудга келмоқда. Ҳолбуки, бундай масалалар амалдаги қонунлар ва ўзаро шартномаларга мувофиқ жойида ҳал этилиши мумкин. Фикримиз тушунарли бўлиши учун бир мисолни шарҳламоқчиман. Чунки акциядорлик жамиятлари мулкчиликнинг ўзига хос янги шакли бўлиб, унинг иштирокчилари ўзларининг бурч ва мажбуриятларини, ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилашлари керак.

## ДАЪВОГАРЛАР ТАЛАБИ АСОСЛИ

Айни вақтда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судида «Ширин» собиқ очиқ ҳиссадорлик жамиятида содир бўлган низоли масала кўриб чиқилмоқда. Олдиндан айтиш мумкинки, жамият акциядорлари ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан ўз ўрнида фойдаланмаганлиги оқибатида ана шундай ҳолат вужудга келган.

Шаҳардаги «Ширин» очиқ ҳиссадорлик жамияти 1997 йилда ташкил этилган. Номинал қиймати 3000 сўм бўлган 6100 дона оддий акция чиқарилиб, 2001 йил июн ойига қадар жойлаштирилган. Шу даврда ишлаган ва акциядор бўлганлардан 11 киши судга даъво аризаси киритиб, ўз акцияларининг бозор қийматини ундиришни, улуш миқдорини аниқлаш, тўланмаган дивидендларни ва маънавий зарарни ундириб беришни сўрашган.

Ўтган йиллар мобайнида «Ширин» ОҲЖ бир маромда иш юритган, ҳатто ривожланишга эришган. Унинг таркибида 4 та кичик корхона ташкил этилган. Кейинчалик улар тугатиб юборилган. ОҲЖнинг устав жамғармаси 50000 АҚШ долларидан кам бўлганлиги учун у акциядорлар умумий йиғилишининг 2003 йил 18 ноябрдаги қарори билан «Ширин» МЧЖга айлантирилган. Янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамият ОҲЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Суд мажлисида аниқландики, дастлаб акциядорларга дивиденд тўланган, 2001 йил дивиденд захирага ўтказилган, 2003 йилда эса дивиденд тўланмаган. Кейинги йиллар учун эса даъвогарлар МЧЖнинг улушдорлари ҳисобланадилар. Бундан ташқари, олдинги суд қарори билан даъвогарларга тегишли улушнинг бир қисми ундириб берилган. Шунингдек, даъво қўзғатилган кунда акциядорлар реестрига киритилмаган акциялар бўйича улуш ундириш рад этилган.

Судда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 27, 41, 44, 53- моддаларига, «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддаси 5-бандига мувофиқ даъвогарларнинг талаби асосли, деган хулосага келинди. Шундай қилиб, «Ширин» МЧЖнинг 2005 йил 10 мартдаги умумий йиғилиши қарорининг 7-банди бекор қилинди. Даъвогарларга уларнинг МЧЖдаги улушлари, ОҲЖ томонидан тўланмаган дивидендлари, етказилган маънавий зарар учун товон пуллари ундириб бериладиган бўлди.

Шуни яхши билиб олиш кераки, ҳиссадорликка асосланган мулкчиликда улушдорларнинг барчаси тенг ҳуқуққа эга. Акциядорлик жамиятларининг мутлақо ўзига хос хусусиятларидан бири барча масалаларни ҳал этиш ваколати қонунга мувофиқ жамиятнинг умумий йиғилишига берилганидир. Яъни дивиденд тўлаш, корхона фаолияти йўналишини ўзгартириш, тугатиш, қайта ташкил этиш, тобе корхоналар очиш ва ҳоказо масалалар ечимида ҳар бир акциядор иштирок этиши зарур. Умумий йиғилиш қабул қилган қонуний қарор барча учун мажбурийдир. Бундан ташқари, қонунда акциядорларнинг дивиденд талаб қилиш, ўз тасарруфидаги акцияларни жамиятга сотиш (қайтариш) ва бошқа борадаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Акциядорга устувор ҳуқуқлар берилган десак муболаға бўлмайди. Мамлакатимиз қонунлари замирида кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш тамойиллари мавжуд бўлиб, энг аввало фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Бинобарин, қонуний ҳақ ундириб берилади. Ҳамма гап фуқаролар ўз ҳуқуқларини мукаммал билишларида ва қонуний талаб қилишларидадир.

**М.РАУПОВА,**
**фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси**

# АНДИЖОН ВА АНДИЖОНЛИКЛАР

### Қурултойдан-қурултойгача

(Боши 1-бетда)

Иш ҳақини вақтида қўлга тегишини вилоят бирлашмаси ўз ваколати доирасида изчил назорат қилиб бормоқда. Бу борада бирлашма Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақи тўловларини тартибга солиш тўғрисидаги қарори ижроси бўйича прокуратура ва бошқа назорат органлари билан ҳамкорлиги самарали бўлди.

2004 йилда иш берувчилар олдига иш ҳақидан қарздорликни тугатиш юзасидан касабачилар томонидан 203 та талабнома қўйилди ва 301 миллион 778 минг сўм ундирилди. Маҳаллий ҳокимият идораларига юборилган 18 та мурожаатнома изсиз кетмади. 153 миллион 308 минг сўм ишчилар қўлига тегди. Айниқса касабачиларнинг бу борадаги жонбозлиги 2005 йилда намоён бўлди. Мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари касабақўмлар билан маъмуриятларнинг қўшма йиғилишларида эшитилди, уларга 169 та тақдимномалар юборилди. Натижада 311 миллион 863 минг сўмлик иш ҳақи ҳисоб-китоб қилинди.

Андижонлик касабачилар ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашда жанговар, принципиал, муросасиз йўл тутаётганлигига мисоллар кўп. «Андижоннефт» акциядорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти фаолияти таҳлили жараёнида ёлланма ходимларнинг ижтимоий муҳофазасида иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги бузилаётганлиги аён бўлади. Республика тармоқ келишувларида меҳнат муҳофазаси ва оммавий спорт тадбирларига иш ҳақи фондидан 1 фоиз ажратилган ҳолда, ушбу мақсадларга корхонада атиги 0,5 фоиз маблағ белгиланганлиги ойдинлашади. Бу маъмурият ва касаба уюшмасининг иш жойларини экспертиза қилиш, соғломлаштириш каби ижтимоий ҳимоя шартларига бефарқ муносабатини билдирарди. Вилоят бирлашмасининг талаби билан жамоа шартномасига қўшимчалар киритилди.

«Қўқонқишлоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти маъмуриятининг меҳнат муҳофазаси бригадасидаги ғайриқонуний ҳаракатлари ҳам бирлашманинг аралашуви билан адолатли қарор топди. Иш берувчи бахтсиз ҳодиса қурбони Холмуҳаммад Йўлдошев фожеасини жамоатчиликдан яшириб келган. Касаба уюшма раиси эса маъмуриятнинг дастёрига айланган эди. Жабрланувчининг оиласига 1 миллион 744 минг сўм товон пули тўланди. Айбдорлар жазога тортилди. Эндигина 45 ёшни қоралаган, 4 фарзанднинг отаси Ёқубжон Ҳайдаров иш пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмди. Оила боқувчисиз қолди. Марҳум ишлаб келган Республика дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспертизаси вилоят бўлимининг мутасаддилари оилага ҳамдард бўлиш ўрнига пинак бузмадилар. Оқибатда хонадон соҳибаси касаба уюшмалари вилоят бирлашмасига мадад излаб келди. Товон пули айбдор ҳисобидан ундирилиб, марҳумнинг хотираси ардоқланди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлиғини сақлаш, дам олишини мазмунли уюштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди. Меҳнаткашларнинг 13 минг 328 нафари сиҳатгоҳларда, 10 минг 156 нафари санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилиб, бу ишларга касаба уюшма пул маблағларидан 1 миллиард 427 миллион сўм маблағ сарфланди. 2004 йилнинг ўзида 57 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, 21 нафар Афғон ҳамда Чернобилчи ногиронлар ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бепул дам олдирилди.

Меҳнат кишисига нисбатан қадр-қиммат туйғулари касаба уюшмалари томонидан доимо юксак баҳоланиб келган. 2002 йилда «Қарияларни қадрлаш Давлат дастури» асосида 200 нафар нуроний «Марҳамат», «Нефтчи» сиҳатгоҳларида дам олиб қайтди. Оролбўйи меҳнаткашларидан 146 нафар хотин-қиз, уларнинг 2,5 мингга яқин ўғил-қизлари сиҳатгоҳ ва оромгоҳларда ўз оилалари бағридагидек яйраб хордиқ чиқаришди. Ҳисобот даври мобайнида бадиий ҳаваскорлик дасталари ҳамда спорт жамоалари ўртасида «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Фаол талаба», «Ватан битта – Ватан ягонадир», «Маҳалла спортчилари», «Алла», «Гиёҳвандлик – аср вабоси» каби кўрик-танловлар, учрашув, савол-жавоб кечалари ўтказилди. ЎзКУФК ташаббуси билан 2001 йилда уюштирилган «Ўзбекистон – Ватаним маним» танловида бир нафар, 2003 йилда эса 3 нафар касабачи танлов соҳиблигини қўлга киритди. Оилавий ансамбллар «Алла» кўригида Андижон бадиий ҳаваскорлик дастаси фахрли I ўринни эгаллади.

Бирлашма соврини учун хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган тармоқлараро эстафета республикада ягона бўлиб, анъанага айланган. Унда 1000 нафарга яқин опа-сингиллар спортнинг 20 дан ортиқ турларида куч синашмоқдалар. Ҳар йили якунланадиган вилоят «Саломатлик» спартакиадаси, «Олтин бошоқ», «Оқ олтин» футбол турнирлари шулар жумласидан. Болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг бокс, енгил атлетика, миллий ва белбоғли кураш, шоҳмот-шашка, қўл тўпи турлари бўйича турнирлар оммалашиб бормоқда. Асака шаҳрида «Старт» ўйингоҳи, Куйганёр шаҳарчасида сузиш ҳавзасини қайта таъмирлаш режалаштирилган.

Бу йил 310 минг тонна «оқ олтин» тайёрланиб, шартномавий режа ортиғи билан ўринланди. Ҳосилдорлик 29 центнерданга етказилди. Қувончлиси, унинг 100 фоизи биринчи навларга топширилди. Энди деҳқоннинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой. Чунки тармоқдан 92 миллиард даромад қилинди. Соф даромад 20 миллиард бўлиши кутилмоқда. Демак, иш ҳақига қўшимча тўловлар, мукофотларнинг чўғи янада баландлашади.

Жамиятимизнинг янгиланаётганлиги, ислоҳотларнинг чуқурлашаётганлиги, аҳолининг меҳнат ва маиший шароитида, турмушидаги ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқларда яққол кўзга ташланмоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Андижон шаҳрида 50 та янги «Отайўл» автобуслари қатнови йўлга қўйилди. Илгари йўловчилар шахсий «Дамас»ларда қатнов учун 200-250 сўм йўл ҳақи тўлардилар. Андижонликлар атиги 50 сўм йўл кира эвазига, бутун шаҳарни кезиб чиқаяптилар. 500-600 сўм тўлов билан Пойтуғ, Куйганёр шаҳарчасига қатнаётган йўловчилар янги очилган йўналишларда «Отойўл» автобусларига 100 сўм йўл ҳақи бераяптилар.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби

# ФАХРИЙ ИРРИГАТОР

Президентимизнинг 2005 йил 22 августдаги Фармонига асосан саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидаги «Нуроний» жамғармаси жамоатчилик маркази раиси М.Рўзиев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Муҳаммади ака Қарши бош канали ва насос станциялари, Талимаржон сув омбори соҳилларига тез-тез бориб туради. Чўл бағрига яшил белбоғдек ярашиб турган замонавий ирригация иншоотлари, Амударё сувини 132 метр баландликка кўтариб, асрий даштларга ҳаёт бағишлаётган ноёб насослар, сувлари қуёш нурида жимирлаётган улкан сунъий денгиз, ажиб салқинлик ва яшилликка чулғанган серҳосил боғ-роғлар отахон қалбини тўлқинлантиради.

Салкам ярим аср мироблар сафида ишлаган, 22 йил вилоят суғориш тармоқлари бошқармасини бошқарган фидоий инсон учун бундан ортиқ бахт борми?!

– Ҳаёт оқар дарёга ўхшайди, – дейди Муҳаммади ака. – Ватан манфаати йўлида қилган меҳнатларимдан розиман. Ҳозирги дориломон даврни кўриб мустақиллигимизни, келажаги буюк Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин, деб қайта-қайта дуо қиламан.

Муҳаммади Рўзиевнинг босиб ўтган йўли ҳақиқий тажриба мактаби. У Юртбошимиз вилоятда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган кезларида сув ислоҳотларини амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Президентимиз жорий йилнинг июн ойида Қашқадарёда бўлганларида кекса ирригаторни йўқладилар. Муҳаммади ака Қарши туманидаги «Бешкент» хўжалигида Юртбошимиз билан учрашди.

– Давлатимиз бошлиғининг даъвати, қўллаб-қувватлаши кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди, – суҳбатни давом эттирди Муҳаммади ака қувонч билан. – Бир гуруҳ қарияларни тўплаб, пахтакорлар ҳузурига жўнадик. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, экинни «шарбат» усулида суғориш бўйича маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бердик.

Оқсоқолларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олиниб, ғўзалар агротехника талабларига мослаб парвариш қилинганлиги туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Бир томони асрий Қарши чўлларига туташиб кетган кенг ва бепоён воҳада об-ҳаёт бениҳоя қадрланган. Кекса ирригаторнинг ҳикоя қилишича, 1966 йилда вилоят бўйича секундига 50 кубметр сув тақсимланган. Муаммони ҳал этиш учун кенг кўламли ирригация-мелиорация тадбирлари амалга оширилди. 500 миллион кубметр сиғимга эга Чимқўрғон, 1966-69 йилларда Пачкамар сув омбори қурилди. 260 миллион кубметрли бу иншоот Ғузор туманини об-ҳаёт билан таъминлаш имкониятини яратди.

1973 йилда еттита насос станциялари ва 1,5 миллиард кубметр об-ҳаётни ўз бағрига сиғдирадиган Талимаржон сув омборининг қуриб ишга туширилиши туфайли Қарши дашти ўзлаштириб, чўлда Нишон, Касби, Баҳористон, Усмон Юсупов, Муборак туманлари ташкил этилди, янги шаҳар ва посёлкалар қад кўтарди.

Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи туманлари «Ҳисорак» сув омборидан сув ола бошлади. 1988 йилга келиб вилоятда сув таъминоти 550 кубметрга кўпайди ва каналларни бетонлаштириш эвазига сувни табиий йўқотиш 0,45 фоиздан 0,10 фоизга тушди. Сел сувларидан унумли фойдаланиш, ерларнинг шўрини ювиб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув йўлларини тозалаш, зовурлар ва дренажларни тўла қувват билан ишлатишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди.

Кейинги йилларда вилоятда 1,5 мингдан ортиқ артезиан қудуқлари қазилиб, ичимлик суви ва экинларни суғориш учун фойдаланилаяпти. Яккабоғ-Қарши сув қувурининг иккинчи навбати ишга туширилиб, вилоят марказидан Муборак туманига сифатли ичимлик суви келтирилди. Қўшимча 5 та насос станциялари қурилиб, Ғузор туманидаги «Бўстон», «Янгикент» хўжаликларига Амударёдан сув етказиб берилди. Яккабоғда Қизилсув, Шаҳрисабзда Ҳисорак сув омборлари ишга туширилиши об-ҳаёт таъминотини яхшилаш имкониятини яратди. Зарафшон, Амударё, Ғузор дарёси, Лангар, Оқсув, Танхоз, Яккабоғ ва Қашқадарё сувлари кучли насослар орқали бир-бирига қўшилиб воҳада сув таъминотини барқарорлаштирди. Бундай ишларни амалга оширишда тажрибали ирригатор Муҳаммади Рўзиевнинг ҳиссаси бениҳоя катта.

Айни пайтда «Нуроний» жамғармасининг вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидаги марказига раҳбарлик қилаётган Муҳаммади Рўзиев асло тиним билмайди. Уни вилоятнинг Тойир Эргашев, Тошпўлат Саҳатов каби фахрийлар билан биргаликда пахтакор, ғаллакорлар ва миробларга сувдан фойдаланиш хусусида маслаҳат бераётган пайтда учратасиз.

Буюк жаҳонгир Амир Темур бобомиз дунёга келган Хўжаилғор қишлоғида таваллуд топган Муҳаммади бобо авлод-аждодларидек жасур ва қатъиятли, бир сўзли, оқилу доно инсон. Оқсоқолнинг 6 нафар фарзанди, йигирмадан ортиқ набиралари эл корига ярайдиган кишилар бўлиб камолга етишган.

**Н.НИШОНОВ**

# КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ

***Мамлакатимиз молия тизимини ривожлантиришда кредит уюшмалар муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда республикамизда бундай уюшмалар сони 20 дан ортиб кетди.***

Улар фаолиятини янада кенгайтириш, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳа ходимлари малакасини ошириш, консалтинг ва ахборот хизматини йўлга қўйиш, маркетинг тадқиқотларни ўтказиш мақсадида республика кредит уюшмалари Ассоциацияси ташкил этилди. Янги Ассоциацияси ўз вазифаларини белгилаб олди.

Ҳозирнинг ўзида 27 мингдан ортиқ жисмоний ҳамда юридик шахс унинг аъзолари ҳисобланади. «Имкон», «Молиячи-плюс», «Капитал юнон», «Осиё траст», «Барака» каби кредит уюшмалари фаолиятлари айниқса яхши йўлга қўйилмоқда.



“Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компанияси тизимидаги “Фарғона электр тармоқлари” очиқ акциядорлик жамияти 2005 - 2006 йил учун кузги-қишки мавсумга тайёргарликни бирмунча эрта бошлади. Барча йўналишдаги ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Маълумки, айнан қиш мавсумида иқтисодиёт, ишлаб чиқариш соҳалари, айниқса аҳолининг электр ва иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжи сезиларли даражада ортади. Бу эса ўз-ўзидан энергетиклар зиммасига катта масъулият ва ўта машаққатли вазифаларни юклайди.

Бугунги кунга келиб, вилоят бўйича аҳолига 6 минг 200 дона ҳамда корхона ва ташкилотларга 78 дона янги русумдаги электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ҳар томонлама қулай бўлган мазкур янги электрон ҳисоблагичлар электр сарфи билан боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқ ҳисобга олиши билан алоҳида ажралиб туради.

**Суратда: ишчи Адлия Танташева.**

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

### Замин заргарлари

# СУЛОЛА

***Деҳқончилик Номоз акага ота касб. У Деҳқонобод тоғларидан Қарши чўлига кўчиб келиб, кам бўлгани йўқ. Рўзғори бут, дастурхони тўкин.***

Ярим асрлик ҳаётининг ўттиз йилини зироатчиликка бағишлади. Кўп йиллар давомида қўриқда ташкил этилган хўжаликларга раҳбарлик қилди. Касби иқтисодчилик эмасми, ҳар бир соҳада тежамкорлик бўлишини, кам меҳнат қилиб, кўп, сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш учун курашди. «Агросуғурта» ҳудудий бошқармасининг Касби туман бўлимига раҳбарлик қилиб, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб келаяпти. Етиштириладиган дон, пахта каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини суғурталаш соҳасида ибратли ишларни амалга ошириб, вилоятда ўзига яраша нуфузга эга бўлди.

Бундан уч йил муқаддам куз ойлари эди. Олийгоҳни тамомлаб, молиячи дипломини қўлга киритган ўртанча ўғил Илҳомжон отасига маслаҳатга кирди.

– Кўпчилик фермерликка қўл ураяпти, – деди ийманиб. – Агар рухсат берсангиз, мен ҳам ер олсам?!

– Балли, ота ўғил, – деди Номоз ака қувончини яшира олмай. – Тўғри йўлни танлабсан. Оила аъзоларимиз билан қўллаб-қувватлаймиз.

Қадимий Назартепа массивидан 35 гектар суғориладиган ер олиб, 20 гектарига чигит, 15 гектарига ғалла экди. Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ Илҳомжоннинг қаватига кирди. Номоз ака эса экинлар парвариши бўйича агротехника тадбирларининг бажарилишини қатъий назоратга олди.

Минерал ўғит, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари вақтида етказиб берилганлиги, экин майдонларига кўп миқдорда маҳаллий ўғит солинганлиги, техника кучидан унумли фойдаланилганлиги туфайли ғалла ва пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнердан ошди.

– 15 нафар аъзомизнинг ҳаммасида ерга эгалик ҳисси мужассамлашган, – дейди ёш фермер. – Жорий йилда 35 тонна ўрнига 75 тонна дон етиштирдик. 38 тоннасини давлатга топширдик. Ҳар бир ишчига 2 тоннадан ғалла тарқатилди.

Ғаллачиликдан 7 миллион сўм фойда олинди. Жамоанинг «оқ олтин» хирмонлари ҳам юксалди. 53 тонна ўрнига 103 тонна пахта топширилиб, режа икки бараварга уддаланди. Ялпи даромад 33 миллион, соф фойда 18 миллион сўмни ташкил этди. Кейинги икки йилда 17 миллион сўмга чопиқ, 18 миллион сўмга ҳайдов тракторлари сотиб олинди.

Яхшилик ҳар бир кишига икки дунё саодатини инъом этади. Хайрли ва саховатли амаллар мангуликка дахлдорлик туйғуси билан йўғрилган бўлиб, одамлар қалбида абадий сақланиб қолади.

Фермер хўжалиги ёлғиз аёл Муҳаббат Йўлдошева, боқувчисини йўқотган Ойпахта Тумишеваларни ҳомийликка олган. Мавсумда 400-500 килограммдан дон, байрамларда 10-15 минг сўмдан нақд пул бериб келаяпти. Қишлоқдаги Абдулла Қодирий номли мактабни таъмирлашга 100 минг сўм маблағ ўтказиб берди. Илғор сувчилардан Нурали Йўлдошев ва Абдулла Норқуловлар телевизор билан мукофотланди.

Номоз ака умр йўлдоши Ҳожар опа Холматова билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишган. Ўғил-қизлари жамиятимизга муносиб кишилар бўлиб камол топишган. Ҳаммаси олий маълумотли.

Оилани Касби туманидаги «Наврўз» муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги аҳоли «фермерлар оиласи» деб атайди. Катта ўғил Даврон 30 гектарлик фермер хўжалигини ўзининг номи билан атаган. 15 гектар ғалланинг ҳар гектаридан 50 центнердан, пахтадан 40 центнердан хирмон кўтариб, ғолибликни қўлдан бермай келаяпти. Олий маълумотли иқтисодчи экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш, сарф-харажатларни қисқартириш, деҳқончилик маданияти ва ирригация-мелиорация тадбирларини ўз вақтида ўтказиш учун астойдил жон куйдиради.

Номоз аканинг ўғил-қизлари, набиралари тўпланганда кенг ҳовли –гўё тўйхонани эслатади. Ўғиллари Даврон, Бахтиёр, Илҳом, Акрам, қизлари Қизларгул, Дилшода ва 18 нафар бир-биридан ширин набиралар даврасида пиру бадавлат бобо ва буви ҳамиша шўх-шодон. Айниқса, жажжи набиралари Жавоҳир, Малика, Соҳиба, Гавҳар ва Сабриналар Номоз ака ва Ҳожар опаларнинг бағрига кирганида, мустақил Ватанда яшаётганликларидан, комил фарзандлари яйраб-яшнаб ўсаётганидан, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик қарор топганлигидан уларнинг қалблари қувончга тўлади.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

# «МЕҲР-МУРУВВАТ» ШАҲАРЧАСИ

***Жиззахдаги «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»да кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.***

«Меҳр-мурувват шаҳарчаси»нинг бунёд этилиши ногирон, ўзгалар кўмагига муҳтож кишиларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик намунаси бўлган эди. Шаҳарчадаги 56 хонадонли 4 та уй тўлиқ таъмирланиб, яшаш учун барча қулайликлар яратилди. Ногиронлар меҳнат қилиши учун мўлжалланган 120 ўринли ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Бу ерда қурилган маъмурий бинода кўзи ожизлар, ногиронлар жамиятлари, турли хайрия ташкилотларининг бошқарув идоралари жойлашди. Спорт майдони, махсус кутубхона ва бошқа маданий-маърифий муассасалар ишлаб турибди.

Бу иншоотлар қаторида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун 150 ўқувчи ўрнига эга бўлган махсус мактаб-интернат биноси ҳамда ётоқхонасининг қуриб битказилиши ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун жуда катта совға бўлди. Мактаб замонавий меъморий услубда қурилган бўлиб, унда махсус дастур асосида ўқийдиган болалар учун барча қулайликлар яратилган. Синфхоналар, фан ва ҳунар таълими кабинетлари зарур ўқув қуроллари ва махсус ўқув воситалари билан жиҳозланган.

# ЯНГИ БОҒ НЕЪМАТИ

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмаси нафақат комбинат тизимида меҳнат қилаётган 50 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчини, балки Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Зафаробод ва Нуробод шаҳарлари аҳолисини ҳам сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Агрофирманинг 120 гектар боғи, 82 гектар узумзори бор. Шунингдек, 50 гектар майдонда сабзавот-полиз экинлари парваришланади.

Айни пайтда етиштирилган мева ва сабзавотлар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда савдога чиқарилмоқда. Агрофирмада хориж технологияси асосида йилига ўн хилдаги 500 тонна маҳсулот тайёрланмоқда.

- Бу йил 600 тоннага яқин томат пастаси, повидло, мазали шарбат, қуруқ мева, яримтайёр ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш режалаштирилган, - дейди агрофирма раҳбари Расул Ҳусенов. - Бугунги кунда хўжалигимизда етиштирилган сархил мева-сабзавотлар қайта ишланиб, ички ва ташқи бозорга жўнатилмоқда. Яқинда 100 фоиз маҳаллий хомашё - асосан анор, узум ва бошқа мевалар аралашмасидан тайёрланган шарбатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада корхонада яна 30 нафар йигит-қиз учун янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, экспорт қилиниши кўзда тутилаётган маҳсулотларимиз тури ҳам кўпайди.

Агрофирма ихтиёрида жами 1 минг 300 гектар ер бўлиб, ўтган йили қўшимча 22 гектар майдонда боғ яратилди. 10 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар, 15 хилдаги гул кўчатлари ўтказилди. Жамоа бу боғларни яна 10 гектарга кўпайтиришни мўлжалламоқда.

**(ЎзА)**

### Репродуктив саломатлик

# ЁШ ОТА-ОНАЛАР МАКТАБИ

## соғлом турмуш тарзини шакллантиришда қўл келяпти

***Соғлом оила юртга қанот. Шу боис Сиҳат-саломатлик йили давлат дастури асосида Музработ туманида бир қанча тадбирий ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, аҳоли ўртасида саломатлик маданиятини шакллантириш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли оналар ва болалар ўлими содир этилмади, 26 минг 560 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ногирон болалардан 51 нафари касаба уюшмалари ва корхоналар ҳамкорлигида соғломлаштирилди. Ижтимоий аҳамиятли касалликларга чалинган беморларни туман марказий шифохонаси томонидан дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича 597 нафар киши диспансер ҳисобига киритилиб, назоратга олинди.***

«Саломатлик-2» лойиҳаси асосида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника даражасини ошириш борасида тумандаги мавжуд қишлоқ врачлик пунктларида ичимлик суви, электр энергияси ва телефон алоқаси ҳамда таъмирлаш ишларида ҳомийлар билан ҳамкорлик қилинди.

Кексаларнинг соғлом ва муносиб турмуш кечириш, нафақахўр, ногирон ҳамда алоҳида парваришга муҳтож кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ижтимоий таъминот бўлими мутасаддилари билан ҳамкорликда реабилитацияга муҳтож 17 нафар бемор соғломлаштирилди.

Дастур доирасида режалаштирилган юмушларни бекаму кўст амалга оширишда, айниқса, туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқларда истиқомат қилувчиларга кўрсатилаётган хизматлар турига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтган даврда даволанишга муҳтож кишилардан 141 нафари сиҳатгоҳларга йўлланма билан таъминланди.

Қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бераётир. Шу кунгача 12 та ҚВП, 5 та амбулатория ва юқумли касалликлар ҳамда қишлоқ врачлик шифохоналари қурилиб фойдаланишга топширилди. Барпо этилган иншоотларнинг замонавийлиги ва барча талабларга мослиги «Саломатлик-2» дастури бўйича грант ютиб чиқишга имкон берди.

Маълумки, Музработ табиий иқлим шароити жиҳатидан вилоятдаги бошқа минтақалардан тубдан фарқ қилади. Ёзнинг меъёридан ташқари қизиб кетиши ва қиш ойларининг совуши инсон организмига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шу боис, аҳолини соғлом ҳаёт фаолияти шарт-шароитлари билан таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофазалаш ишларида барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, алоҳида гуруҳлар тузилган бўлиб, ҳар ойда хонадонларга кириб барча ёшдаги кишилар саломатлиги ўрганилаяпти ва ташхис қўйилаётир. Иккинчи босқичда эса саноат корхоналаридаги иш, умумий фойдаланиш жойлари ва кичик бизнес корхоналари ҳудудларининг санитария-гигиена ҳолатлари устидан назорат кучайтирилаётир.

Меҳнат, санитария-гигиена шароитларини яхшилаш натижасида ҳар хил юқумли касалликларнинг тарқалиши олди олинди. Бу ишда фаол қатнашган муассаса ва ташкилотлар рағбатлантирилмоқда.

Шулар қаторида репродуктив саломатлик бўйича мактабларда, коллеж ва бошқа ташкилотларда «Болангизни шамоллашдан асранг!», «Бехатар оналик», «Гиёҳвандлик – умр эгови» каби мавзуларда савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда. А.Қодирий номли, «Бешкўтон», Гагарин, А.Икромов номли, «Навбаҳор», «Туркистон» жамоа хўжаликларида эса бевосита аҳоли билан учрашувлар ҳамда кўргазмали чиқишлар уюштирилиб, одамлар тиббий саводхонлигини оширишда танловлар уюштирилаяпти.

Баркамол соғлом авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш масаласига давлатимиз томонидан катта аҳамият қаратилмоқда. Музрабод туманида ҳам бу соҳада эътиборга молик ишлар бир талай. Марказий шифохонанинг туғруқхона бўлими қошида «Ёш ота-оналар мактаби» хонаси ташкил этилгани, айниқса, диққатга сазовор. Бу ерда малакали мутахассислар жалб этилган бўлиб, улар ҳар куни ёш оилалар, янги турмуш қураётган ёшлар билан суҳбатлар ўтказишади, зарур маслаҳатлар бериб, касаллик аломатлари аниқланса, чора-тадбирлар кўришади.

Асосий эътибор оналар ва болаларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган. Туғиш ёшидаги аёллар юз фоиз тиббиёт кўригидан ўтказилган. Ташҳислар натижасида турли касалликлар мавжудлиги аниқланиб, зарур чора-тадбирлар қўлланилди, ривожланиб кетиши мумкин бўлган касалликларнинг олди олинди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Абдурашид Ғаниевнинг таъкидлашича, давлат дастури доирасида тез тиббий марказ бўлими қайтадан реконструкция қилиниб, жиҳозланмоқда. Бунга давлат томонидан етарлича маблағ ажратилган. Шунингдек, дори-дармон таъминотида узилишларга йўл қўйилмаслиги учун мутахассислар тажрибасига таянилаётир. Улар саъй-ҳаракати билан глюкоза, натрийхлор, анальгин, дибазол, попавирин ва магнезия каби дорилар шу жойнинг ўзида тайёрланмоқда.

Хуллас, туман соғлиқни сақлаш бўлимида қилинаётган ишларнинг барчаси замирида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва улар соғлиғини тиклаш каби эзгу ниятлар мужассам. Бироқ шунга қарамай, тизим ябвбардорларини ташвишлантираётган битта муаммо ечим топмаётир. Вилоят ёшлари орасида шу соҳадаги олий таълим муассасаларида билим олаётганлар негадир чўл туманларига жалб этилмаяпти. Таҳлиллар кейинги ўн йил оралиғида бирорта ҳам ёш мутахассис бу туманга ишга келмаганини кўрсатмоқда. Натижада мавжуд бўлимлардаги эҳтиёж ҳисобга олинадиган бўлса, айни пайтда 45 нафар мутахассис етишмайди ёки шунча ўрин бўш турибди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари келгуси ишларида ана шу масалага эътибор қаратишса, фойдадан холи бўлмасди.

**А.ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Мардлар қўриқлайди Ватанни

***Юрт ҳимояси шарафли ва муқаддас. Ҳарбий иш ҳар бир кишидан билим ва малака, етук маҳорат, ишонч ва садоқат, қудрат ва ғайрат, мардлик ва матонат, журъат ва жасорат талаб этади.***

# ЙИГИТ БОШИ ОМОН БЎЛСА

Чақирув пунктида Ўзбекистон Қуролли Кучлари рамзи туширилган мовий рангдаги спорт кийимлари кийиб олган норғул йигитлар саф тортдилар. Улар соғлиги, билим даражаси, интеллектуал қобилияти, жисмоний тайёргарлиги ва оилавий аҳволи пухта ўрганилиб, 6 та тамойил бўйича туман ва вилоят комиссияси кўригидан ўтган ёшлар.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан чақирилувчиларга шахсий гигиена воситалари, ўқув анжомлари жамланган совғалар тақдим этилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова, «Наврўз» жамғармаси раиси Рўзи Нурматов, ота-оналар ва ҳарбий қисмларнинг вакиллари ватанга хизмат қилишдек муқаддас ва шарафли вазифани адо этишга отланган ёшларга муваффақиятлар тилашди.

Косонлик Равшун Ражабовнинг орзуси ҳарбий бўлиш эди. Бугунги кунда хизматга отланган қишлоқ фарзанди ўз елкасига катта масъулиятни олганлигини юракдан ҳис этади. Ҳарбийликнинг машаққатларидан чўчимайди.

– Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом айтганларидек, «Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ, қалқон бор, қалъа бут, қўрғон саломат», – дейди Равшанжон мамнуният билан. —Хизматни мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида ўтайман. Келажакда ҳарбий бўлишга қатъий аҳд қилдим.

Ватанпарварлик кишиларнинг киндик қони томган она юртига, муқаддас заминга муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Қарши шаҳрида яшовчи Акмал Далиев ўғли Анварни бўлажак аскарлар орасида кўриб қувончи чексиз. Фарзанди Қарши Давлат университетини муваффақиятли тугаллаган. Бугун тўққиз ойлик хизматга кетаяпти. Йигитлик бурчини ўтагандан сўнг Тошкентдаги Ички ишлар академиясида ўқишни давом эттириш ниятида.

Осойишта турмушимиз ва бунёдкорлик меҳнатимизни ташқи хавф-хатардан асраш учун мукаммал замонавий қурол, маҳоратли ва матонатли қўшинга эга бўлган армия керак. Аскарлик фахри, ғурури қанчалик сарбаланд бўлса, масъулияти ҳам шунчалик оғир ва залворли.

Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округнинг Н-қисмидамиз. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматчилар қасамёд қабул қилишаяпти.

Байрамлардагидек безатилган спорт майдони оддий аскар ва зобитлар билан тўлган. Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди. Қалблар жунбушга келади. Аскарлар тантанали қасамёд қабул қиладилар ва уларга ҳарбий гувоҳнома топширилади.

– Барча ота-оналар каби менинг ҳам қувончим бениҳоя, – дейди нишонлик Исмоил Лапасов. – Ўғлим Ғанижон сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ўтаб, қуролли кучларимиз заҳираси сафига қабул қилинди.

Ғанижон ҳарбий хизматга қадар Марказий Осиёда энг йирик – Талимаржон иссиқлик электр станциясида механик бўлиб ишлаган. Ҳарбийлар сафида бўлиш унинг ёшликдаги орзуси. Мана ниятига етди.

– Бевосита жанговар фаолиятни, мураккаб ҳарбий техникани бошқариш, замонавий қурол-аслаҳаларни ишлатиш, ҳар бир дақиқада мураккаб синовларга тайёр туриш лозимлигини теран англаб етдим, – дейди сафарбарлик хизматини муваффақиятли ўтган Ғ.Лапасов. – Бутун куч-қувватимни Ватан ҳимоясига сафарбар этаман.

Куни кеча ҳарбий қисм сафарбарлик чақируви резервининг навбатдаги хизматчиларини ўз бағрига олди. Йигитлар малакали зобитлар мураббийлигида ҳарбий билим ва кўникмаларни эгаллашга киришдилар.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Касаба уюшма тадбири





Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши Дўстлик туман вакиллиги ташаббуси ҳамда ҳомийлигида таълим муассасаларида ана шу мавзуда октябр ойи мобайнида тадбирлар бўлиб ўтди. «Ўзбек тили – Давлат тили» мавзусида деворий газеталар чиқарилди, иншолар олинди. Жой, кўча ва таълим муассасалари номлари кўриб чиқилди.

А.Қаҳҳор номли 1-умумий ўрта таълим мактабида туман мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари ижодкор ўқувчи ва ўқитувчилари иштирокида «5х5 ёки зукколар ўйини» (5 гуруҳ беллашуви), ижодкорлар мушоираси, деворий газеталар кўрик-танлови, туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли марказий болалар кутубхонаси билан ҳамкорликда китобхонлар анжумани каби бир қатор тадбирлар бир-бирига уланиб кетди.

# «ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ»

Нодира номли 10-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, шоира Санобар Қаюмованинг чиқиши барчада катта таассурот қолдирди. У «Ижодкор ўқитувчилар» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичлари ғолиби. Республика босқичида қатнашиб, совриндор бўлди. «Баҳор соғинчи» иккинчи шеърий тўплами чоп этилди. Шунингдек, Ғайрат Саидқулов, Вазира Абдуманнонова, Наргиза Каримова, Ўктам Ҳайитбоев, Дилрабо Холматова каби қаламкашлар ҳам ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танлови, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Тадбир сўнггида туман хотин-қизлар қўмитаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши туман вакиллиги, туман халқ таълими бўлими, кутубхона томонидан ғолиб гуруҳларга ҳамда тадбирнинг фаол иштирокчиларига фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Касаба уюшма тадбирида ихтисослашган мактаб-интернати, А.Қаҳҳор номли 1-, Ғ.Ғулом номли 2-, Абай номли 13-, Гагарин номли 14-, А.Яссавий номли 8-умумий ўрта таълим мактаблари жамоалари фаол қатнашишди.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Тараддуд

***Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий маданиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган аждодларимиз маънавий меросини тиклаш борасида самарали ишлар амалга оширилди. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда буюк алломалар, давлат арбоблари ҳамда кўҳна шаҳарларимиз юбилейлари нишонланди.***

1997 йил 11 ноябрда мамлакатимиз Президентининг «Хоразмда Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бунинг самараси ўлароқ Хива шаҳрида Маъмун академияси қайта ташкил этилди. Ушбу замонавий «донолар уйи» олдида маънавий қадриятларимиз ва илмий меросимизни тиклаш ва уларга сайқал бериш сингари муҳим вазифалар белгилаб қўйилди.

# ХОРАЗМДАГИ «ДОНИШМАНДЛАР УЙИ»

Илм-фаннинг турли йўналишларида ютуқларга эришган ушбу академиянинг айнан Хоразм диёрида ташкил топишининг ўзига хос сабаблари бор эди. Кашфиётлар катта ёки кичиклигидан қатъи назар, давр, жамият эҳтиёжининг маҳсулидир. Маъмунийларнинг саройида олимлар йиғини уюштирилиши XI аср биринчи чорагида Хоразмда етилган эҳтиёжлар ҳам сабаб бўлди.

Биринчидан: Хоразм савдогарларининг Орол бўйидаги ҳосилсиз чўллар бўйлаб қилган узоқ сафарлари картография, тасвирий жўғрофия ва этнография фанини чуқурроқ ўрганишга олиб келди.

Иккинчидан: сув иншоотлари қуриш, сунъий суғоришга асосланган қишлоқ хўжалиги соҳаси топография, риёзиёт, астрономия, каби фанларни ўрганишга бўлган талабни кучайтирди.

Учинчидан: Африғийларнинг қадимги шаҳарлари ва қасрларини тез-тез ювиб кетувчи Амударёни жиловлаш ҳам риёзиёт, гидрография, геометрия фанларига эътиборни янада оширди.

Донишмандлар уйининг шаклланишида юқоридагилар сабабу эҳтиёжлар бўлиб хизмат қилса-да марказлашган давлат мавжудлиги унинг таркиб топиши ва тараққий қилишига қулай шароит яратди.

Ушбу фикрни «Ҳудуд ул-олам»нинг номаълум муаллифи ҳам қуйидагича тасдиқлайди: «Қадим замонларда хоразмшоҳларнинг мулкларига таалluқли бўлган Гурганжда энди алоҳида подшоҳ ҳукмрон, уни Гурганж амири деб атайдилар».

Хоразм пойтахти Гурганжда Маъмун ибн Маъмун замонидаги академияда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саид Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ Мискавайх, Абу Бакр Саид Шабибий, Абулхайр Ҳамкор каби олимлар фаолият кўрсатади. Ушбу илм-фан даргаларини чанг босган араб қўлёзмаларини тўплаб, тарихнинг даҳшатли жараёни эшитилмаслиги учун кутубхона девори орқасига яширган олимлар қаторига қўйиб бўлмайди. Ёҳуд «Маъмун академияси»нинг вақтинча муваффақият қозонган амир саройидаги «машҳур олимларнинг тасодифий йиғини» деб ҳам бўлмайди.

Биргина Берунийнинг академиядаги фаолияти бутун бир академия олимларининг илмий салоҳияти намунасидир. Уммавийлар замонида бошланган «Буюк таржималар даври» XI асрга келиб арабларнинг катта муваффақиятлардан эсанкираб, сустликка берилиши билан алмашинади. Немис олими А.Мец: «Мусулмон Ренесанси» асарида араб илмфанидаги сўнгги таржима Берунийнинг санскритчадан қилинган таржимаси эканлигини таъкидлайди. Европалик олимлардан Сартон, Аурел, Стейн, Карро до Беннинг кабилар Беруний ҳақида илиқ фикрлар айтган. Биргина Захау «ҳиндшуносликда унга тенг келадиган кишини на илгари ва на сўнгги асрларда ўтганлигини билмаймиз». – дейди.

«Донишмандлар уйи»нинг барча аъзолари ўз асарларини сомий алифбосидан келиб чиққан араб тили ва имлосида баён этган. Чунки араб тили фан учун халқаро тил – Шарқнинг ўзига хос лотин тили эди. Форс тили ўлмас ва бетакрор адабий асарларни безаган бўлса, араб тили илмий асарларни мангуликка муҳрлади. Дарвоқе, «Донишмандлар уйи»га Маъмун нисбатининг берилиши энг адолатли ёндошувдир. Илм-фан ҳомийси Маъмуннинг ўзи ҳам ўқимишли шахс бўлганлигини замондошлари тасдиқлайди. Берунийнинг қуйидаги хотиралари бу фикр исботидир: Бир куни хоразмшоҳ мени ҳузурига таклиф этди. Унинг ҳузурига борганимда у отда турар эди ва мени кўриши биланоқ отдан тушиб ёнимга кела бошлади. Ундан бунинг сабабини сўраганимда «Илм барча ҳукмронликдан ортиқроқдир. Ва бутун кишилар унинг олдига борадилар, унинг ўзи ҳеч кимнинг олдига келмайди», – дея жавоб қилди у.

Пурҳикмат сўзлари ва илм-фанга қилган ҳомийлиги Хоразмшоҳ – Маъмун ибн Маъмун номини минг йилдан сўнг ҳам чуқур ҳурмат ва эҳтиромга дохил этди. Хоразмда Маъмун академиясининг қайтадан ташкил этилиши ва 1000 йиллик юбилейининг давлат миқёсида нишонланиши катта тарихий воқеадир.

**Ф.ЖУМАНИЁЗОВА**

## Футбол

# «МАШЪАЛ» — ИККИНЧИ

## жамоа ушбу ўринни сақлаб қолармикан?

Ҳеч бир мавсум йўққи,- Футбол федерацияси томонидан тасдиқланган тақвим ўзгаришга учрамаса. Бу йил ҳам бундан мустасно бўлмади. Айниқса, 24-тур, таъбир жоиз бўлса, аччиқ ичакдек чўзилиб кетди. 22 ва 23 октябрга белгиланган тур ўйинлари 24 ва 25 октябрда ўтказилди. Лекин, барибир бу гал ҳам яна бир учрашув «Нефтчи» ва «Навбаҳор» жамоалари ўртасидаги матч бошқа кунга қолдирилди.

Эътироф этиш лозим, бутун мавсум воқеа-ҳодисаларини тўла-тўкис олдиндан башорат қилиш осон эмас. Боз устига Ўзбекистон-Баҳрайн терма жамоалари ўртасидаги баҳс каби кутилмаган ҳолатлар чиқиб турса. Аммо ҳар бир муаммонинг ечими бўлади. Фақат уни кўра билиш ва еча билиш даркор. Энди, халқ нақлларида айтилганидек, кичкина бола эмасмиз. Зеро ўзимизни улуғвор тутиш вақти етиб келди. Озгина қунт ва масъулият кифоя, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Энди бевосита тур якунларига келадиган бўлсак, фавқулодда ҳол юз бермади. Билмадик, «Локомотив»нинг ўз майдонида зарафшонликларга учрашувни бой берганликларини тасодифга йўйиш мумкинми, йўқми, ҳар ҳолда бизнинг назаримизда ҳисоб масалага холис ёндошувни тақозо этади 1:3. Агар зарафшонлик «чарм тўп» усталари бундан бир неча кун аввал «Пахтакор»га қарши қандай ўйин кўрсатаётганликларини эслайдиган бўлсак, натижадан бемалол қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Бу демакки, «Қизилқум» жамоаси барчамизга маълуму машҳур Игорь Шквирин етакчилигида ҳали кўп нарсага эришишга қодир. Чамаси, у келгуси йил ҳам жамоада ишлаб турса, клубнинг мавқеи янада ошиши турган гап.

Худди шундай эътирофни Муборакнинг «Машъал» командасига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Виктор Жалилов бир мавсум ичида ўзига хос жамоани шакллантиришга муваффақ бўлди. Неча турки клуб фақат ғалаба нашидасини суриб келмоқда. Жиззахда «Сўғдиёна» билан кечган учрашув ҳам «Машъал» фойдасига ҳал бўлди. Майдон эгалари ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Бу ғалаба «Машъал»ни турнир жадвалининг иккинчи поғонасига олиб чиқди. У бу позицияни ушлаб қола оладими? Биз бу саволга «Пахтакор»-«Машъал» ўртасидаги учрашувда жавоб оламиз.

«Пахтакор» зафарли юришини давом эттириб, бу гал Сариосиёда «Тўпаланг» жамоаси устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Жамоа тўпурари Анвар Солиев икки голга муаллифлик қилиб, тўплари сонини 27 тага етказиб олди.

**Турнир жадвали**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **23** | **19** | **2** | **2** | **74-12** | **59** |
| **2.«Машъал»** | **23** | **17** | **1** | **5** | **50-22** | **52** |
| **3. «Насаф»** | **24** | **16** | **3** | **5** | **48-26** | **51** |
| 4.«Навбаҳор» | 23 | 12 | 2 | 9 | 31-24 | 39 |
| 5.«Трактор» | 24 | 12 | 1 | 11 | 45-43 | 37 |
| 6.«Нефтчи» | 23 | 11 | 1 | 11 | 36-27 | 34 |
| 7.«Қизилқум» | 23 | 10 | 4 | 9 | 28-25 | 34 |
| 8.«Тўпаланг» | 24 | 10 | 2 | 12 | 32-43 | 32 |
| 9.«Локомотив» | 24 | 9 | 2 | 13 | 38-45 | 29 |
| 10.«Самарқанд-Д» | 23 | 8 | 3 | 12 | 23-32 | 27 |
| 11.«Металлург» | 24 | 8 | 2 | 14 | 30-42 | 26 |
| 12.«Бухоро» | 24 | 8 | 2 | 14 | 35-55 | 26 |
| **13.«Сўғдиёна»** | **24** | **5** | **4** | **15** | **13-48** | **19** |
| **14.«Шўртан»** | **24** | **5** | **1** | **18** | **21-55** | **16** |

## «АХБОРОТ СОАТЛАРИ»

Ёшларнинг мустақил фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни катта, албатта. Дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ва республик ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар билан яқиндан ошно қилиш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Ахборот соатлари» ташкил этилди.

«Ахборот соатлари» машғулотлари ҳар ҳафтанинг душанба кунларида ўтказилмоқда. 45 дақиқага мўлжалланган бундай машғулотлар олий ўқув юртининг ижтимоий-гуманитар фанлари ўқитувчилари томонидан олиб борилмоқда.

## САМАРАЛИ МУОЛАЖА

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази фаолияти янада кенгайиб бормоқда. Юрак хасталикларини даволашнинг илғор усулларини қўллаш, муолажаларнинг самарали бўлишини таъминлаш йўлида олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар ҳам яхши натижа бермоқда.

Марказ жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ташҳис ва даволаш стандартлари ҳам ўзига кенг йўл топди. Вилоят ва туман кардиологик диспансерлари ана шу усулда муолажалар олиб бориб, беморлар дардига малҳам бўлмоқда.

Самарқанд, Урганч ва Андижон шаҳарларидаги диспансерларнинг моддий-техника негизи янада яхшиланди. Эндиликда Нукус ва Гулистон шаҳарларида марказнинг шохобчаларини очиш тараддуди кўрилмоқда.

## Орамиздаги одамлар

***Ўтган йилнинг қиш фасли анча қаттиқ келиб, тоғлар қалингина оқ пўстинга ўралганди. Ўша даврда, айниқса, қўриқхона ишчилари учун масъулиятли давр бошланади. Осмонўпар тоғнинг сўқмоқларидан юқорига кўтарилиб, парранда-ю, даррандаларга емиш олиб чиқишни ҳамма ҳам уддалай олмайди. Лекин Ўрозбой Хожиев учун бу муаммо эмас. Ўзиям, тагидаги алвон тусли "Лочин" лақабли отиям бу жойларни беш қўлдек билади. Ахир 30 йил бу сўқмоқларда қатнаган.***

# ҚЎРИҚХОНАДА

Мана юқорига ўрмалаётган отнинг оёғи тагидан бир каклик "пир" этиб учди. Ўрозбоям буни одатдаги ҳолдек қабул қилди. Каклик нарироқдаги арча тагига бориб қўнган ҳам эдики, уни тош панасидан чиққан шоқол таппа босиб, маҳкам тишлаганча жуфтакни ростлаб қолди. Табиатнинг бешафқат қонуни бу.

Шу ҳудудлар бўйича Жиззах тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош нозири бўлиб ишлаётган Ўрозбек Хожиев яна бироз тепага кўтарилгач, катталиги вагондек келадиган харсанг тош устида ўлиб ётган каклик галаларига кўзи тушди. Чўнтагидан қўл телефонини олди-да, қўриқхона директори билан уланди. Ўзи турган ҳудудни маълум қилиб, зудлик билан бу ерга дон юборишларини тайинлади, эътиборсизлиги учун койиб ҳам қўйди.

Тоғдаям яшаш учун кураш узлуксиз давом этади. Паррандаю даррандалар еб кетишидан хавфсираб, тош устига чиқиб жон сақламоқчи бўлишади. Лекин у ердаям уларга илонлар ва калхатлар ҳужум қилиши мумкин. Қиш пайтлари қўриқхона яқинидаги тоғликлар сергак бўлиб қолишади. Товуқхоналарини, молхоналарини маҳкамлаб, бўрибосарларни қоровулликка қўйишади. Қўриқхона ишчилари эса, қишлоқма қишлоқ юриб, арзон нархда қари эшак ва бошқа жониворларни сотиб олишиб, йиртқичларга ем қилишади. Акс ҳолда даррандалар бир-бирларини ғажий бошлашади.

Ўрозбек анча юргач, тоғ дарасига етиб келди. Ҳаво совуқлигига қарамасдан, бу ер қуёшнинг кўзи, пана ва анча илиққина эди. Атрофда қорга бурканган қалин арчазор ёқимли ҳид таратарди. Ўрта бўйли, сарипаранг тусли Ўрозбек нафақа ёшига етиб қолган бўлсаям, эпчил ва кучли эди. У отдан илдам тушди-да, қўлига қўшоғиз милтиғини тутганича, атрофни айлана бошлади. Сув ичишга келган ҳайвонларни пойлаб йирик йиртқичлар писиб ётган бўлиши мумкин. Тўнғиз-у айиқлар унча хавфли эмас, лекин Тожикистон ўрмонларидан ўтиб қолиб бу ерда макан тутиб, кўпайиб бораётган сиртлонлар хавфли, ундан эҳтиёт бўлиш керак.

Ўзи қўриқхонага директорлик қилган 1988 - 93 йилларда Кавказдан бир қанча айиқ ва тўнғиз болаларини олиб келиб, кўпайтирган. Шу сабабдан-ми, ҳозир баъзи айиқлар, тўнғиз-у, жайронлар уни танишади. Ўтган йил қишда, сиртлон битта айиқни худди шу ерда бўғизлаб кетганди. Мана ҳозир айиқлар ҳам, тўнғизлар ҳам, қўриқхонанинг 26 минг гектарлик кенг ҳудудларига тарқалишиб кетган. Шу пайт Ўрозбекнинг оти ўз-ўзидан ҳуркиб, эгасининг ёнига қочиб қолди. Ўрозбекнинг кўзи от томон писиб келаётган ола-чипор баҳайбат сиртлонга тушди. Шу пайт тоғ дараси бомба портлагандек кучли садо берди. У чаққонлик қилиб, осмонга қараб ўқ узганди, акс ҳолда отидан ажралиб қолиши ҳеч гап эмасди. Ўтакаси ёрилаёзган йиртқич бир зумдаёқ кўздан ғойиб бўлди.

- Энди умр бўйи бу ерни четлаб ўтадиган бўлдинг, даюс! - деб юборди Ўрозбек.

Айтмоқчи, Ўрозбекнинг ўз-ўзига гапирадиган одатлари ҳам бор. Баъзан жайронлар, ҳатто айиқчалар ҳам ундан чўчимасдан ёнига келаверади. Шунда Ўрозбек улар билан гаплашади, эркалаб қўяди. У отга миниб, юришни давом эттирди. Энди у табиатнинг гўзал бир гўшасига етиб келганди. Айниқса қишдан бошқа фаслларда бу ер ўзгача бир латофат кашф қиларди. Унинг эсига худди шу ерда бўлиб ўтган бир воқеа тушиб кетди. Самарқанд агрономия олийгоҳининг охирги курсида сиртдан ўқиб юрган, қўриқхонада посбон бўлиб ишлай бошлаган йили эди. Ўша "Лочин"нинг онасини унга бириктириб беришганди. Отда кета туриб, енгил машинанинг ғилдирак изларига кўзи тушиб қолади. Из уни дарага, худди шу ерга элтади. Худди мана шу ерда "ЖИП" ва "Нива" машиналари турар, улкан харсангдан табиат яратган супа устида икки эркак, икки аёл ўтирар, пастда эса бошқа браконерлар давра қурганди. Атрофни кабоб ва спиртли ичимликларнинг ҳиди тутиб кетганди. Энг ёмони, махсус форма кийган ўрмон бош қоровули ёш арчаларни қийратганича, олов ёқиб, браконерларга хизматда эди. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога деганлари шу-да. Табиатга хиёнат онага хиёнат билан тенг. Гуруҳ бошлиғи эканлиги билиниб турган ноғора қорин киши мақтанаётганди:

- Бир вақт қарасам хўппа семиз кийик, ҳеч чўчимасдан тўғри олдимга келаверди. Ажалинг етаклаб келяпти, келавер деганча ўтиравердим. Нақ ўн метрча қолганда пешонасидан қўйиб юбордим. "Гуп" этиб йиқилди. Шу пайт арчазор орасидан кийик боласиям чопиб чиққанича, онаси олдига келди, униям бир ўқ билан тинчитдим.

Ўрозбой четга ўтиб радиотелефон орқали навбатчи гуруҳ чақирди. Улар етиб келгунча панада ўтираверди. Браконерлар каклик ва тустовуқлардан ҳам анчагинасини қийратишган экан. Ўрозбек тўртта ҳамкасби билан браконерлар устига бостириб борди. Бош ўрмон қоровули Ўрозбекни четга тортди:

- Бу Тошкентдан келган катталардан. Буларга тегиб бўлмайди, - деди сирли пичирлаб.

- Қонун ҳаммага баробар, - дея ҳайдаб солди уни Ўрозбек.

Можарони кузатиб ўтирган мансабдор:

- Аширмат, анавуларни тинчит, айтиб қўй, қитиқ патимга тегишмасин, ўзларига қийин бўлади, - деди.

Ўрозбек ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, беихтиёр бақириб юборди:

- Ярамаслар, қани, қуролларни топширинглар!

Қоровуллар қуролларни тез йиғиштириб олишди. Баённомалар тузилиб, иш прокурорга оширилди. Буни қаранг-а, уч кундан кейин Ўрозбек ишдан олинди. Тегишли идораларга йўллаган шикоят хатлари дарёга ташланган кесакдек бедарак кетаверди. Орадан олти ой ўтди. Кимлардир ишдан олинди, кимлардир қамалди. Ўрозбек эса вазифасига тикланди.

Шундан кейин анча йиллар қўриқхонага директорлик қилди. Ўрозбекни топиб суҳбатлашишга мушарраф бўлдим. У менда камгап, камсуқум, қатъиятли, ғоят ҳаёт тажрибаларига бой бир одам бўлиб гавдаланди.

- Қўриқхонада табиатга, инсонга, Ватанга меҳр-муҳаббати ғоят кучли одамлар меҳнат қилиши керак. Шахсий манфаати учун ишга кирганлар, атлас кўйлакдаги бўз ямоқдек тезда кўзга ташланади ва узоққа бормайди, - деди у қатъият билан.

Унинг директорлиги даврида қўриқхонада айиқлар сони 25 - 30 тага, тўнғизлар сони 400 тага, бўрилар сони 500 тага, ёввойи мушуклар мингтага, қуёнлар ўн мингтага, тулки ва шоқоллар сони ўн мингтага, жайронлар сони 300 тага етказилди. Ҳар ҳолда қўриқхона ҳисоб дафтарига шу рақамлар қайд қилинган. Бундан ташқари 120 тур қуш, 170 хил доривор ўсимликлар бор эди. Айниқса, қўриқхона кўлвор ва чарх захарли илонлари билан машҳур бўлган.

- Табиатда ҳеч нарса ортиқча эмас. Йиртқичларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Улар табиатни ўлаксалардан тозалайди, - дейди Ўрозбек Ҳожиев.

Айни пайтда қўриқхонани Ҳожиевнинг шогирдлари бошқармоқда. У жамоаниям ўзидек ҳалол, фидойи кишилардан танлади. Очилди Равшанов, Собир Нурмонов, Эшқул Тўраевлар ана шулар жумласидандир. Қўриқхонага Солиҳ Нурмонов директорлик қилмоқда. Денгиз юзасидан 2 минг метрдан 4 минг метргача баландликда жойлашган гўзал маскандаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш жамоанинг 28 аъзоси зиммасида. Бу ерда республика зоология, ботаника илмий текшириш институтлари ўқув марказларини ташкил қилишган. Аспирантлар, олимлар мониторинг-кузатиш ишларини олиб бормоқда. Ҳаммасининг нияти бир, Она табиатни ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Андижон вилоят Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Пўлат Хошимовга падари бузруквори **БАХРОМ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши вилоят кенгашининг Янгиер шаҳри бўйича вакили Юнусхон Муҳиддиновга опаси **Фотима ХАДЖАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ООО «Uzmedinvest» имеет намерение приобрести акции АК «Узтибтехника», расположенного по адресу: Таш. обл., п. Геофизиков в количестве 11 998 штук простых именных, что составляет 28% к общему объему уставного фонда общества.

Ташмирзаев Рустам Якубович имеет намерение приобрести акции ОАО «Зухал», расположенного по адресу: Нам. обл., г. Чорток, ул. Ибн-Сино, 155 в количестве 10 286 штук простых именных, что составляет 15,83% от уставного капитала общества.

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Риҳсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 3765 Буюртма Г— 616 23456